

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАРОИТИДА НАСЛИ ВА
МАҲАЛЛИЙ ҚҰЙ-ЭЧКИЛАРНИНГ ФАСЦИОЛЁЗ БИЛАН КАСАЛЛАНИШНИНГ
ТАҚҚОСЛАНГАН КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА ДАВОЛАШ ТАДБИРЛАРИ**

Алланиязов О. У.

ассистент Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги
ва агротехнологиялар институти

Аннотация

В статье подробно описаны сравнительные сведения о фасциолёзе племенного и местной породы мелкого рогатого скота, возникновении болезней по сезонам года, а также о профилактических мероприятиях по недопущению возникновения и распространения болезней. Проведен анализ заболеваемости, а также эффективности мер борьбы профилактики по недопущению инвазии мелкого рогатого скота.

Калит сўзлар: наслдор, заанен, фасциолёз, гельминтоз, гельминт, антигельминтик, альбет, альбендазол, роленол, клозатрем, левамизол, моллюскалар, риказол, метсалбен.

Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатоу, Муйноқ, Тахтақўпир ва Қўнғирот туманларини чорвачиликка ихтисослаштириш, ушбу худудларда замонавий чорвачилик комплексларини ишга тушириш, яйлов ва пичанзорлардан самарали фойдаланиш ҳисобига аҳолининг чорвачилик маҳсулотлари, айниқса, гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш даражасини яхшилаш ҳамда даромадини ошириш мақсадида 2019 йил 7 ноябрда № 4512 сонли „Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш туғрисида“ ги № 4512 сонли қарори чиқарилди. Ушбу қарорги асосан Республикамизга 2019-2020 йилларда 2743 бош, 2021 йилда эса 2351 бош наслдор қўй-эчкилар олиб келинган. Лекин Республикамизнинг иқлим шароитига мослашиши қийин кешган. Бизнинг шароиттаги паразитар касалликларга (қон паразитар, тери ва трематод) шалиниши кўпайган.

Республика худудиди апрел-май, июнь ойларида қўй эчкиларнинг гельминтоз паразитар касалликларининг келиб чиқишига сабаб бўлади. Қўй-эчкиларнинг фасциолёз касалликлари республикамизнинг барча туман худудларида кенг тарқалган бўлиб, чорвачиликда маҳсулдор молларни ривожлантиришда катта иқтисодий зарар етказди. Мойда шохли молларнинг фасциолёз касалликларидан келадиган иқтисодий зарар касалланган молларнинг ўлими, мажбурий сўйилиши, ҳамда касалланиб соғайган моллар узоқ вақт давомида касаллик кўзгатувчи паразитларни ташувчилик хусусиятини ўзида сақлаб қолиши, маҳсулдорлиги пасайиб кетиши, ишлаб чиқаришда яроқсиз бўлиб қолиши ва ветеринария-санитария тадбирларига кетган харажатлардан иборат бўлади.

Фасциолёз қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида Қорақалпоғистонда кенг тарқалган ва касалланиш даражаси юқори, жуда ҳавфли трематодоз касалликлари гуруҳига киради. Республикамизнинг шимолий зоналарида асосан Бўзатов, Муйноқ, Қўнғирот, Кегейли, Тахтақўпир, Чимбой туманларида фасциолёзнинг ўткир, сурункали формаларида учраб

туради. Фасциолёз ўткир, сурункали яъни бир вақтнинг ўзида ҳам ўткир, ҳам сурункали оқимларда кечувчи инвазион касаллик бўлиб, у дастлаб ҳайвонларнинг жигар тўқималарида личинка даврини, сўнгра эса жигар ўт йўлларида вояга етган даврини ўтовчи *Fasciola gigantica* туридаги фасциолаларнинг паразитлик қилиши натижасида рўй беради.

Фасциолёз барча турдаги қўйчилик, эчкичилик, хўжаликларига катта иқтисодий зарар етказувчи гельминтоздир. Ундан айниқса қоракўлчилик қўйчилик хўжаликлари катта талофатга учрайди. 1990 йилларда Қорақолпоғистон худудида фасциолёздан қўйларнинг оммавий равишда нобуд бўлиб кетганлиги кўзатишга эришилган. Айрим туманларда фасциолёзнинг кенг тарқалганлиги ва иқтисодий зарари туфайли қўйчиликдан воз кечишган ҳолатлар ҳам бўлган. Шунингдек Қорақолпоғистон Республикасида қисқа вақтда бир неча юзлаб қўй-эчкилар ҳам унинг ўткир аралаш фасциолёз кечишидан нобуд бўлган. Фасциолёзга чалинган қўй эчкиларнинг сут маҳсулоти 25-30% гача камаяди. Барча ҳайвонларнинг гўшт ва жун маҳсулотларининг миқдори ва сифати пасаяди. Сўйилган ҳайвонларда эса энг муҳим паренхиматоз орган – жигар истеъмолга яроқсиз деб топилади. Фасциолёз касаллигига барча турдаги қишлоқ хўжалик ҳайвонлари чалинади.

Эмлаш ишларига қўлланиладиган самарали препаратлар - Фасциолёз билан касалланган ҳайвонларни қуйидаги антигельминтиклар билан олдини олади ва эмланади: Алвет (суспензия) – юқори самарадорли, қўй-эчкиларга 10 кг 0,75 мл, оғиз орқали, бир марта, Алвет (гранула) – юқори самарадорли, қўй-эчкиларга 100 кг вазнига 3,75 гр, оғиз орқали, бир марта, клозатрем – 10 кг тирик вазнига 1 мл ҳисобига мускул орасига ва тери остига бир маротаба, мойда шохли молларга 10 мл дан кўп юборилмаслиги керак, левамизол-75 10 кг тирик вазинга 1 мл, мойда молларга 4-5 мл мускул орасига, риказол инъекция 100 фоиз эффеқтли 12,5 кг вазинга 1 мл бир маротаба мускул орасига, метсалбен (2,5-10 %ли суспензия) - мойда шохли молларга 40 кг вазнига 2-3 мл оғиз орқали ичириш учун, метсалбен 700 - йирик шохли молларга 80-120 кг 1 таблетка, мойда шохли молларга 50-60 кг 1 таблетка ҳисобида, альбендазол (10 % ли эмульсия) - майда шохли ҳайвонларга 1 мл/10кг миқдорда; альбен 1 таблеткадан 50 кг тирик вазнга; альбазен (2,5% ли эмульсия) - қўйларга 2 мл/10 кг; альбенол – майда шохли ҳайвонларга 1 мл/10 кг; клозальбен - (1 кг порошок нинг таркибида 50мг клозантел ва 50 мг альбендазол) 2 г/10 кг вазнга; фенбендазол - (22,2% ли гранула (панакурнинг синоними) – қўйларга 0,2 г/10 кг. Ушбу препаратларнинг барчаси оғиз орқали ичирилади. Ўткир формасига: Роленол - (синоними прозонтекс) қўйларга 1 мл/10 кг тери остига ёки мускул орасига (бир неча жойга) юборилади.

Олдини олиш чоралари: Фасциолёз қарши курашишнинг энг асосий тадбири –бу дегельминтизация ишлари ҳисобланади. Носоғлом ҳудудларда йил давомида 2 маротаба баҳор ва кўз ойларида дегельминтизация қилиниши лозим. Биринчи дегельминтизация - март-апрель ойларида қуйидагилардан бири (альбен, альбет 10% ли. альбендазол, клозантел, роленол) қўлланилади. Еккинчи дегельминтизация октябрь-ноябрь ойларида

ўтказилиши лозим. Кўзги ва қишки дегельминтизация ишларига роленол, риказол, клозатрем, фазинекс билан ўтказилиши лозим.

Қорақалпоғистон Республикасида шароитида наслдор ва маҳаллий қўй-эчкиларнинг фасциолез билан касалланиши ҳамда даволаш чоралари

1-жадвал

№	Моллар гуруҳи	текширилган мол бош сони	Касаллик аниқлангани	Касалланиш даражаси (%)	Аниқланган касаллик	Қўлланилган препаратлар	Даволаш усуллари
1-Гуруҳ Маҳаллий қўй-эчкилар (маҳаллий моллар).							
1	Ёши катта моллар	30	22	73	сурункали фасциолез	Клозатрем инъекция	Ҳар 10 кг тирик вазнига 1 мл ҳисобига, тери остига юбарилади. Бир марта, натижа яхши
2	Ёши кичик моллар	30	11	36	фасциолез	Клозатрем инъекция	Ҳар 10 кг тирик вазнига 1 мл ҳисобига, тери остига юбарилади. Бир марта, натижа яхши
2-Гуруҳ Наслдор қўй-эчкилар (Заанен).							
1	Ёши катта моллар	20	11	55	фасциолез	Клозатрем инъекция	Ҳар 10 кг тирик вазнига 1 мл ҳисобига, тери остига юбарилади. Бир марта, натижа яхши
2	Ёши кичик моллар	20	7	35	фасциолез	Клозатрем инъекция	Ҳар 10 кг тирик вазнига 1 мл ҳисобига, тери остига юбарилади. Бир марта, натижа яхши

Тадқиқотлар Қорақалпоғистон Республикасининг 2023 йилининг август-сентябр ойларида Бўзатов, Кегейли, Тахтақўпир, Чимбой туманларининг фасциолёзга носоғлом худудларида аҳоли ва эчкичилик фермер хўжаликлари қўй-эчкиларидан намуналар олиниб текширилди. Ушбу туман худудларида қўллар, қўлчалар, яйловлар, ҳовузлар, ариқлар ва ариқчалар бошқа худудларга нисбатан анча кўплиги инobatга олинди, худудларда яйловлар кўплиги сабабли, қўй-эчкиларнинг ҳаммаси деярли яйловларда боқилади.

Тадқиқот натижалари. Майда шоҳли моллар эчки гуруҳга ажратилди. Гуруҳлардаги ҳайвонларга таҳлил ишлари олиб борилди. Ушбу моллардан лаборатор текшириш учун намуналар олинди. Олинган намуналар лабораторияда гелминтокапрологик услубда текширилди.

1-гуруҳдаги - катта ёшдаги 30 бош маҳаллий қўй-эчкиларнинг тезак намуналари кетма-кет ювиш усули билан текширилиб, уларнинг 73 фоизида фасциолалар топилганлиги, улардан 22 бош қўй-эчкиларда фасциолёз касаллиги аниқланди. Кичик ёшдаги 30 бош қўй-эчкиларнинг тезак намуналари кетма-кет ювиш усули билан текширилиб, улардан 36 фоизида фасциолалар топилганлиги, яъни 11 бош қўй-эчкиларда фасциолёз касаллиги аниқланди.

2-гурухдаги Катта ёшдаги 20 бош наслдор қўй-эчкиларнинг тезак намуналари олиниб, кетма кет ювиш усули текширилди ва уларнинг 55 фоизида фасциолалар топилганлиги, яъни 11 бош қўй-эчкиларда фасциолёз касаллиги аниқланди. Кичик ёшдаги 20 бош қўй-эчкиларнинг тезак намуналари олиниб, кетма-кет ювиш усули билан текширилиб, уларнинг 35 фоизида фасциолалар топилганлиги, улардан 7 бош майда молларда фасциолёз касаллиги аниқланди.

Таҳлил натижаларига кўра, ҳайвонларда ўтказилган гелминто-овоскопик текшириш натижалари шуни кўрсатдики, республикага четдан келтирилган наслдор қўй-эчкиларда ва маҳаллий майда шоҳли молларда ҳам ёшларидан қаътий назар касалланиш даражаси юқори бўлганлиги кўзатилди.

Изланишлар шуни кўрсатдики, яйловларда, молхоналарда боқиладиган қўй-эчкиларнинг насли ва маҳаллийлигидан қаътий назар бари-бир касалланади

Хулосалар:

Қорақолпоғистон Республикаси шароитида яйловларда, молхоналарда боқиладиган қўй-эчкиларнинг наслигидан қаътий назар касалланиш даражаси юқори, яъни инвазия интенсивлиги юқори даражада бўлганлигини кўрсатди.

Қорақолпоғистон Республикаси шароитида майда шоҳли молларда учрайдиган фасциолёз касалликларини эмлаш ва олдини олишда энг самарали янги замонавий антигельминтиклардан фойдаланиш яхши натижа беради.

Республикага чет мамлакатлардан олиб келтирилган насли қўй-эчкилар гелминтоз касалликларга қарши дегелминтизация олиб борилиши шарт. Давомли профилактик даволаш ишларини йилига эки мартаба баҳор ва кўз ойларида мунтазам олиб борилиши тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Орипов А. О., Давлатов Р. Б., Йулдашев Н. Э. "Ветеринария гельминтологияси" ўқув қўлланма 2016 йил "Наврўз" нашриёти Тошкент
2. Орипов А. О., Шакиев Е. С., Жумашев Р. Ж., "Распространение некоторых гельминтозов сельскохозяйственных животных в Приаралье"
3. "Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари касалликларига қарши курашиш ва олдини олиш тадбирлари" (илмий мақолалар тўплами) Самарканд 2000 –Б 68-72
4. Азимов Д. А. "Эпизоотология ориентобильхарциоза жвачных животных в Узбекистане". 1966 год. Стр 3-7 Материал науч коонф ВОГ.
5. Орипов А. О., Йулдашев Н. Э., "Фасциолёз, ориентобильхарциоз ва парафистоматозларнинг олдини олишда моллюскаларга қарши курашиш" "Зооветеринария" № 12 2012 - Б 20-23, № 1 2013 - Б 22-26
6. Даминов А. С. "Қорамоллар трематодозларида қоннинг морфологик ва биокимёвий кўрсаткишлари" Зооветеринария №6 2016 Б 18-21.